



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra



IWMI
International
Water Management
Institute



**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ДАЛА ШАРОИТИДА ЕРНИ ВА СУВНИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЛОЙИХАСИ**

**КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ
ПАРВАРИШЛАШ БЎЙИЧА
ТАВСИЯЛАР**
(февраль-март)

Фарғона ахборот маркази

КИРИШ

Маълумки, 2010-2011 йилнинг қиш ойларида ёғингарчилик миқдори олдинги йилларга нисбатан кам бўлмоқда. Бу ўз навбатида тупроқда тўпланаётган намликни камайишига олиб келади.

Умуман деҳқончиликда тупроқда ўсимликни ўсиб ривожланиши учун етарли намликни фақат ёғингарчилик орқали тўпланган намлик ҳисобига эмас, қиш ойларида айниқса февраль ойида ерларни шўрини ювиш ва шўрланмаган ерларда эса етарли нам тўплаш учун уни чуқур ҳайдаб (35-40 см) текислаб эгат олиб суғориш усули билан амалга ошириш мумкин.

Бунинг учун сизот сувлари 2-3 м ва ундан чуқур жойлашган ерларда бу тадбир механик таркиби оғир ерларда февраль ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунлигида, механик таркиби ўрта ва енгил бўлган ерларда эса февраль ойининг охири ва март ойининг биринчи яримида амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Суғориш меъёри – енгил таркибли тупроқларда 850-900 м³/га.

Ўрта таркибли тупроқларда 950-1100 м³/га.

Оғир таркибли тупроқларда 1000-1200 м³/га ҳисобида берилади.

Суғориш қатор оралиғи 60-70, 90 см эгат узунлиги 50-80, 100 метр бўлган эгатлар орқали амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Шўрланмаган тупроқларда эрта баҳорда намликни сақлаш учун ерни 8-10 см қатлами етилганда 2-қаторли (биринчи қаторда 6 та, иккинчи қаторда ҳам 6 та жами 12 та борона бир бирига тиркалган ҳолда) оғир борона билан амалга оширилади.

Бу тадбир амалга оширилганда тупроқда мавжуд бўлган ва сувни ушлаб турган каппиляр найчаларнинг юқори ер бетига яқин қисми бузилади ва ер тагидан парлаш орқали келган намлик борона қилинган қатлам остида 80-90% сақланиб туради. Бу намлик ўз навбатида баҳорда ерни мола босиб текислаб чигит экилганда чигитни тўлиқ униб чиқишини таъминлайди.

Ғалла майдонларида ниҳолларнинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда февраль-март ойларида ўтказиладиган тадбирлар.

Фарғона водийсининг суғориладиган ерларига экилган бошоқли дон экинларини ўсиш ва ривожланиш даврларини аниқлаш мақсадида ғалла майдонларини зудлик билан мониторингдан ўтказиш (тўла тўплаган 3-4 барг, 1-2 барг ҳосил қилган, униб чиқмаган майдонларни аниқлаш) айниқса шўрланган тупроқли майдонларга экилган буғдойларни ҳолатини текшириб чиқиб агар бу ерлар ўртача, кучли шўрланган ерлар бўлса тезлик билан бу ерларда ўғитлаш ўтказилмаган бўлса ҳам ҳар гектар ерга 1000-1500 м³/га ҳисобида сув бериб суғориш зарур, чунки шундай килинганда шу ерларда тупроқ таркибидаги мавжуд тузлар ювилиб буғдой ниҳоллари эркин ўсади, акс ҳолда тупроқ таркибидаги тузлар ниҳолларни қисиб буғдой кўчатларини тупроқдаги намликни ва озуқаларни олишига имкон бермай уни қуритади.

Буғдойни биринчи ўғитлаш

Эрта баҳорги биринчи озиқлантириш, эрта ва мақбул муддатларда экилган ҳамда тўла тўпланиб қишлоғга кирган, эрта баҳорда ўсимликларнинг ҳолати меъёрида бўлган пайкалларга физик ҳолда 100 кг/га мочевина ёки 150-160 кг/га селитра миқдорда азотли ўғитлар билан озиқлантириш зарур. Фарғона водийси ҳудудларида бу муддат тахминий 10-25 февралга тўғри келади.

Эрта баҳордаги азотли озиқлантиришда энг биринчи навбатда кеч муддатларда экилиб, қишловдан қийинчилик билан чиққан майдонларда, ундан кейинги уруғлик етиштириш учун экилган майдонларда ва ниҳоят қолган майдонларда ўтказилиши тавсия қилинади. Қишлоғга тўпланмасдан кирган ҳамда қишловдан қийинчилик билан чиққан майдонлардаги ўсимликларни, кўшимча тартибда 100 кг дан озиқлантириш яхши самара беради.

Эрта баҳорда тупроқ таркибидаги озуқа моддалари миқдорининг камайиб кетишидан ташқари, ўсимлик нозик ҳолда қишдан чиқади ва озиқ моддаларга муҳтож бўлади. Эрта баҳорги озиқлантириш кўчат қалинлигини барқарорлаштиради. Ўсимликда тупланиш жараёнини жадаллаштиради, 1 кв.м.да 550-600 тагача маҳсулдор поя ҳосил қилишга эришиш мумкин. Эрта баҳорги озиқлантириш ўз муддатида ўтказиш ҳисобига бир гектар ердан 4-6 центнергача кўшимча ҳосил олишга эришилади.

Эрта баҳорги озиқлантиришда азотли ўғитлар меъёрини аниқлашда ўсимликларда ўсиш жараёни бошланиши муҳим ўрин тутаяди. Агарда ўсимликларда ўсиш жараёни кеч бошланса, бу даврга келиб ҳаво ҳарорати тез кўтарилади, ривожланиш фазаларини ўтиш вақти ва озуқа моддалар ўзлаштирилиши пасаяди. Шу даврда ўсимликда тўпланиш ва генератив

органлар ривожланишини кучайтириш мақсадида азот меъёрини йиллик меъёрига нисбатан 25 фоиз эмас 30 фоизга оширилиши тавсия қилинади. Эрта баҳорги озиклантиришда азот меъёри бундан оширилганда азотни ортиқча қисми сув ёки ёгингарчилик билан ювилиб кетади.

Озиклантиришдан сўнг ҳар бир минтақада тупроқ намлиги ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда суғориш ишларини ташкил қилиш. Бунда 1 гектар ер майдонига сарфланадиган сувнинг мавсумий меъёри 3000-4500 куб.м., суғориш меъёри эса 700-800 куб.м. ни ташкил этади. Ер ости сувларини жойланишига нисбатан кузги буғдойни мавсумий суғориш меъёри 2500-3000 куб.м. ҳам бўлиши мумкин.

Эрта баҳорда буғдой майсалари ривожланиши суст бўлган майдонларга, минерал ўғитлар суспензияси тайёрланиб сепилиши, ўсимликларни эрта баҳорги ривожланиш жараёнини тезлаштиради.

Эритма тайёрлашда 12 кг. аммофос, 6 кг калий ва 6 кг селитра олиниб, 300 литр сувда эритилади ва махсус пуркагич механизмлари ёрдамида кузги буғдой пайкалларига сепилади. Бу эса илдиздан ташқари баргдан озиклантирилганлиги сабабли ўсимлик барг сатҳи қалинлашади, ўсимликларни касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги ортади, фотосинтез жараёни тезлашади, натижада ниҳолларни ўсиши ва ривожланиши тезлашади.

Суспензия сепишда буғдой майсалари ер устки қисмини тўла қопланганлигига алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки сепилган суспензияни ўсимлик барги орқали ўзлаштиради. Буғдой майсалари ер устки қисмини барг сатҳи билан қопламаган майдонларда сепилган суспензиянинг асосий қисми ер устки қатламига тушади, бундан ўсимлик фойдалана олмайди, натижада сепилган суспензия самарадорлиги пасаяди.

**Тавсиянома «Фермер хужаликлари даласида сувнинг маҳсулдорлигини ошириш»
лойиҳаси агроном-консультанти, САНИИРИ Фарғона бўлими бошлиғи қ.х.ф.н. Х. Умаров,
Ахборот маркази раҳбари М. Мирзалиев ва Сирдарё-Сўх ИТХБ К. Кобулов томонидан тайёрланган.**